

АБДУПАТТАЕВ Мумин Мирзо Муроджон ўғли
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
ўқитувчиси, PhD
mirzo21@umail.uz

XI-XII АСР САЛЖУҚИЙЛАР ДАВРИ ОЛИМЛАРИНИНГ ИСЛОМ ИЛМЛАРИ РИВОЖИДА ТУТГАН ЎРНИ

РОЛЬ УЧЕНЫХ XI-XII ВЕКОВ В РАЗВИТИИ ИСЛАМСКИХ НАУК В ПЕРИОД СУЛТАНАТА СЕЛЬДЖУКОВ

THE ROLE OF 11TH-12TH CENTURY SCHOLARS IN THE DEVELOPMENT OF ISLAMIC SCIENCES DURING THE SELJUK SULTANATE

АННОТАЦИЯ. Ушбу мақолада XI-XII асрларда “Буюк Салжуқийлар” номи билан ҳукм сурган сулола даврида фаолият олиб борган олимлар, уларнинг асарлари ва Ислом цивилизацияси ривожига қўшган улкан ҳиссалари тўғрисида фикр юритилади. Шунингдек, мақолада ўрта асрларда машҳур бўлган Низомия мадрасалари фаолияти ҳақида ҳам сўз боради.

Калит сўзлар: Салжуқийлар, Низомия мадрасалари, Ислом цивилизацияси, тафсир, калом, фикҳ, тасаввуф.

АННОТАЦИЯ. В этой статье автор размышляет о деятельности ученых, живших в период правления династии «Великих Сельджуков» в XI-XII веках, их трудах и огромном вкладе в развитие Исламской цивилизации. Также в статье затрагивается тема деятельности медресе Низамийя, которые были известны в средние века.

Ключевые слова: сельджуки, медресе Низами, исламская цивилизация, тафсир, калам, фикх, тасаввуф.

ANNOTATION. This article discusses the scholars who worked during the dynasty that ruled under the name of the “Great Seljuk Empire” in the XI-XII centuries, their works and their great contribution to the development of Islamic civilization. The article also discusses the activities of Nizami madrasas, which were famous in the middle ages.

Keywords: Seljuks, Nizami madrasas, Islamic civilization, tafsir, kalam, fiqh, tasawwuf.

КИРИШ

Салжуқийлар давлати номи Сирдарё бўйларида яшаган кўчманчи турк-ўғуз қабиласи бошлиғи Салжук ибн Дукок номидан олинган. Салжуқий турклар Маҳмуд Ғазнавийнинг Хуросондаги ноиби ҳисобланган. 1038 йилда Салжуқнинг набираси Тўғрулбек (1038-1063) Нишопурни эгаллаб, Хуросон минтақаси ва қисман Мовароуннаҳрда ўз давлати тузилганини эълон қилган [1:51]. 1040 йилда Ғазнавийлар султони Масъуд билан Тўғрулбек ўртасида Дандакон жанги бўлиб ўтган. Дандакон жангида Масъуд мағлубиятга учрагандан сўнг, Салжуқийлар давлати Хуросон, Хоразм, Ғарбий Эрон, Озарбайжон ва Ироқ ўлкаларидан иборат катта ҳудудда ҳукмронлик қилган. 1055 йилда Тўғрулбек Бағдодни ҳам эгаллайди. Аббосийлар халифаси ал-Қоим (1031-1075) Бағдодда ҳокимиятни Тўғрулбекка топшириб, уни “Шарқ ва Ғарб подшоҳи” деб эълон қилишга ва ўз қизини никоҳлаб беришга мажбур бўлган [1:66].

Салжуқийлар фан ва маданият тараққиёти учун барча шарт-шароитни яратиб беришга интиланлар. Салжуқий мадрасаларида ҳам табиий-аниқ фанлар ҳам ижтимоий-диний билимлардан таҳсил олинган. Ўқувчиларга ойлик нафақа бериб борилиб, жой билан ҳам таъминланган, уларни ўз даврларининг етук олимлари ўқитганлар, илм толибларининг ихтиёрида кўп минг жилддан иборат кутубхоналар бўлган. Баъзи бир мадрасаларда ўқувчилар сони минглаб бўлганини биламиз. Масалан, Низомулмулк томонидан асос солинган Низомия мадрасаларидан бирида олти минг нафар талаба яшаб, таълим олгани маълум.

АСОСИЙ ҚИСМ

Мусулмон ҳукмдорлар орасидаги илму маърифатга бўлган анъанавий жиддий эътибор салжуқийлар даврида ҳам ўз аҳамиятини йўқотмади. Салжуқийлар давлатидаги биринчи мадраса 1046 йилда Тўғрулбек буйруғига асосан Нишопурда қурилган [2:69]. Тўғрулбек даврида ўз даврининг буюк адибларидан бири “Вис ва

Рамин” асари муаллифи Фаҳриддин Журжоний (ваф. 446/1054), Маҳмуд Ғазнавийнинг ўғли Султон Масъуд даврида Рай шаҳри девонхонаси раис бўлиб хизмат қилган, кейинчалик Тўғрулбек девонхонасида ишлаган машҳур тарихчи, “Китаб ат-тафзил ал-атроқ ʼала сааир ал-ажнод” асари муаллифи Абул ʼАло ибн Ҳассул (ваф. 450/1058) [3:462], Фақиҳ, муаррих, шоир ва давлат арбоби, “Девон”, “Думят ал-қаср фи шуʼаро ал-аср” каби асарлар муаллифи Али ибн Ҳасан Боҳарзий (ваф. 467/1075) [3:461; 4:16-17; 5:1682] каби олимлар фаолият олиб борган.

Тўғрулбек даврида ҳанафийлик мазҳаби давлат мазҳаби сифатида эълон қилинган. Бу даврда давлатда ҳанафийлик ва шофийлик ўртасида жиддий рақобат бор эди. Иззуддин ибн Асир ўзининг “ал-Комил фит-тарих” асарида: “Тўғрулбекнинг вазири Амидулмулк ўзига шофийларни душман деб билар эди. У Султондан Хуросон масжидларида рофизийларни танқид қилишга изн сўради. Султондан рухсат олган Амидулмулк рофизийлар билан бирга ашъарийларни ҳам бирга қўшиб танқид қила бошлади. Вазирнинг бу ишни қилишига сабаб Нишопур раисларидан, шофий мазҳабида бўлган Абу Саҳл Найсапурийнинг келажақда вазир бўлишидан хавфсирагани эди. Натижада, Имом Жувайний, Абу Суҳайл Муваффақ, Абул Қосим Қушайрий ва Имом Байҳақий каби шофий мазҳабининг етук намоёндалари Ҳижоз ўлкасига кетишга мажбур бўлдилар. Бу ҳолат Алп Арслон тахтга чиқиши ва шофий бўлган Низомулмулк вазир этиб тайинлангунига қадар давом этган. Баъзи ривоятларга кўра Амидулмулк шофийларга қилган муомаласи учун тавба қилган” [6:365] деган нақлни келтиради.

Тўғрулбек вафотидан кейин тахтга чиққан Султон Алп Арслон (1063-1072) бутун мамлакатда илм-фанга ҳомийлик қилган. Унинг даврида, 1067 йилда Бағдодда илк мадраса қурилган. Бу мадраса вазир Низомулмулк ташаббуси билан қурилгани учун “Низомия” деб номланди. Кейинчалик Рай, Нишопур, Марв, Балх, Ҳирот, Басра, Исфохон ва Мосул каби шаҳарларда қурилган мадрасалар ҳам “Низомия” деб номланган. Тўғрулбек давридаги сиёсатдан фарқли равишда тўрт мазҳаб уламолари “Низомия” мадрасаларига

жалб қилинди. Тўғрулбек даврида ҳайдалган кўплаб уламолар ватанга қайтарилди ва улар учун мадрасалар қурилди. Тўғрулбек давридаги фикрий низолаарга тўлақонли барҳам берилди.

Турк тадқиқотчиси Невзат Кўсўғлу шундай дейди: “Ушбу мадрасаларни тамомлаган мударрислар, имомлар, воизлар халқнинг эътиқоди ва турмуш тарзини шакллантиришда асосий омил бўлган” [7:68]. “Низомия” мадрасаларида диний илмлардан ташқари адабиёт, математика, астрономия ва фалсафа каби илмлар ўқитилган. “Низомия” мадрасаларининг асосий фаолияти шиаликнинг рофизия ва ботиния каби оқимларига раддия бериш бўлган. Мадрасалар ҳам айнан рофизийлик ва ботинийлик кенг тарқалган шаҳарларда қурилгани бунинг далилидир.

Бағдод “Низомия” мадрасасида “Ат-Танбиҳ фи фуруъ ал-фикҳ аш-Шофий”, “ал-Муҳаззаб фи-л-мазҳаб”, “ат-Табсира фи усул ал-фикҳ”, “ан-Нуқат”, “ат-Талхис” асарлари муаллифи, шофий мазҳаби фақиҳларидан бўлган Абу Исҳоқ Шерозий (393/1003-476/1083), буюк фақиҳ, мутакаллим, “Китаб ал-муғний”, “Татиммат ал-ибона”, “Китаб фи-л-хилаф” асарлари муаллифи Абу Саъд Мутавалли (427/1036-478/1086), Шариф Абул Қосим Даббусий (ваф. 483/1090), Ҳусайн ибн Али Табарий (ваф. 504/1097), Абдулвахҳоб Шерозий (XI аср), “Хужжатул ислом” Имом Абу Хомид Ғаззолий (450/1058-505/1111), Аҳмад ибн Муҳаммад Ғаззолий (ваф. 520/1126), Абу Бакр ибн Али Шоший (ваф. 1113), Хотиб Табризий (421/1030-502/1109) ва Ибн Бурхон номи билан танилган Али ибн Муҳаммад Бағдодий (479/1087-518/1124) каби уламолар фаолият олиб борган [8:29-31, 99; 11:13, 133-134, 216-219; 9:244; 7:449, 462, 465, 486; 10:134, 290;]. Бағдоддаги мадраса кутубхонасига Низомулмулк томонидан 6000 жилд китоб вақф қилинган. Абу Исҳоқ Шерозий мадрасанинг илк мудир бўлган. Имом Ғаззолий 1091-1095 йилларда мадраса мудир сифатида фаолият олиб борган.

Нишопурдаги “Низомия” мадрасаси Тўғрулбек даврида Ҳижозга кетишга мажбур бўлган Имом ал-ҳарамайн Имом Жувайний (419/1028-478/1085)га атаб 1058 йилда қурилган. Имом Жувайний мадрасанинг илк мударриси бўлган [12:168; 13:73]. Ушбу

мадраса Хуросонни 940-1000 йиллар оралигида идора қилган Симжурийлар мадрасаси ва Ғазнавийларнинг “Саъидия” мадрасидан қурилиш ва таълим жиҳатидан фарқ қилган. Мадраса Тўғрулбек вафотига қадар “Султон мадрасаси” деб номланган. Мадрасада 300 нафардан 400 нафаргача талабалар илм олган. Мутасаввиф, муфассир, муҳаддис, “ар-Рисола”, “ат-Тахбир фи-т-тазқир”, “ат-Тафсир ал-кабир” асарлари муаллифи Абул Қосим Қушайрий (376/986-465/1072), Муҳаммад ибн Аҳмад Марвазий (ваф. 465/1072) [11:205-208; 14:51] каби олимлар мадрасада фаолият олиб борган.

Исфahондаги “Низомия” мадрасаси 1072 йилда, шаҳар марказида жойлашган “Масжид ал-жума” масжидининг ёнида қурилган. Мадрасада Абу Бакр Садриддин Хўжандий (ваф. 483/1090), Фахриддин Абул Маъолий (ваф. 559/1163) ва Абу Саид ибн Абу Бакр (XIII аср) [15:10] каби мударрислар дарс берган. Мадрасанинг Бағдоддаги каби мухташам кутубхонаси XIV асрга қадар фаолият кўрсатган.

Балх мадрасасида Абул Қосим Абдуллоҳ ибн Тоҳирӣ (XI-XII аср) мударрис бўлган. Мадрасада Абу Саъд Ҳаравий (XII аср), Зиёвуддин Садрул-аимма (XII аср) каби уламолар дарс берган [16:188-191]. Хоразмшоҳлар даври шоири ва адиб Рашидуддин Ватват (ваф. 573/1177) [17:109-112] ҳам ушбу мадраса битирувчиси ҳисобланади. Мадраса 1153 йилда даврида бузиб юборилган.

Мосул, Ҳирот, Басра ва Марв “Низомия” мадрасаларида Қози Абу Хомид Шаҳразурий (586/1190) ва Қози Абу Бакр Холидий (XII аср), Абу Фазл Анбарий (XII аср), Абу Бакр Шоший (421/1030-502/1109), Абу Музаффар Самъоний (426/1035-489/1096), Абул Фатх Аъсад Маҳиний (XII аср) [18:245; 6:462; 11:209-211; 10:176] каби олимлар мударрислик қилган. Ҳиротдаги “Низомия” мадрасасини Алишер Навоий қайтадан таъмирлатган.

Ушбу мадрасалар фаолият бошлагунга қадар, илм талабида бўлганлар узоқ шаҳарларга боришларига тўғри келган. “Низомия” мадрасалари ушбу эҳтиёжни тўлиқ қондирган.

1072 йилда Султон Алп Арслон вафот этгандан сўнг тахтга унинг 13 ёшли ўғли Маликшоҳ (1072-1092) ўтирди. Маликшоҳ

1074 йили Термиз, Бухоро, Самарқанд, кейинчалик Фарғонани эгаллаган. Маликшоҳ ҳукмронлигида салжуқийлар ҳарбий-сиёсий жиҳатдан жуда кучли бўлган. Пойтахт Нишопурдан Исфahонга кўчирилган. Маликшоҳ ҳам Низомулмулкни ўзининг вазири деб эълон қилган. Отаси каби илм-маърифатга ҳомийлик қилган.

Усманийлар даври тарихчиси Аҳмад ибн Маҳмуд (ваф. 1570) ўзининг “Салжукнома” асарида Низомулмулкнинг илм-маърифатга кўшган хизматларини қуйидагича келтиради: “Низомулмулкнинг илм-фанга ҳомийлигини кўра олмаганлар султонга, “Низомулк хазинангиздан ҳар йили Куръон ҳофизлари, фақиҳлар ва сўфиларга 300 минг динар пул сарфлайди. Агар бу пуллар аскарларга сарф қилинса Константинополни фатҳ қилишимиз мумкин” мазмунида хат жўнатишган. Низомулмулк Султон Маликшоҳга ушбу хат юзасидан шундай жавоб беради: “Эй оламлар султони! Аллоҳ сизга ҳам, менга ҳам бандаларининг бирортасида бўлмаган неъматлар ато қилди. Сиз эса, Аллоҳнинг китобини ёдлаганлардан 300 минг динарни кўп кўрасизми? Сиз аскарлар учун бундан икки барабар кўп пул сарфлайсиз. Бироқ, уларнинг энг мергани отган ўқ бир чакиримдан нарига бормайди. Мен эса бу пуллар билан шундай “кўшин” тузаманки, уларнинг илмлари ўқ каби Аллоҳнинг Аршига қадар кўтарилишига ҳеч нарса тўсиқ бўла олмайди”. Султон Маликшоҳ Низомулмулкка “Сизлар кўлингиздан келганича бу “кўшин”нинг сонини кўпайтиринглар. Мен сизларга хоҳлаганингизча бойлик бераман. Дунёнинг бойликлари сизларники” деб жавоб беради” [19:142-144].

Султон Маликшоҳ даврида Исфahонда расадхона ва Табаристонда мадраса қурилган. Инглиз шарқшуноси Генри Жорж Равертий ўрта аср мусулмон тарихчиси Минҳожиддин Жузжонийнинг “Табақоти Носири” китоби таҳқиқида Султон Маликшоҳ давридаги илм-фан тараққиётини шундай баҳолайди: “Султон Маликшоҳдан дунёда кўп яхши ишлар қолди. Нужум илмидаги хатоларни тузатилгани шулардан биридир. Нужум ва ҳисоб илми уламолари Маликшоҳ буйруғи билан юлдузларни кузатишнинг янги усулини

ишлаб чиқдилар ва ой кунларини янгидан белгиладилар. Давлат учун янги “Жалолий” тақвими ишлаб чиқилди” [20:142].

Султон Маликшоҳ даврида Абу Исҳоқ Шерозий, Абул Қосим Қушайрий, Имом ал-харамайн Жувайний, Имом Ғаззолий, машҳур шофий мазҳаби фақиҳларидан, Абдулқохир Бағдодийнинг шогирди ва куёви, “ат-Табсир фид-дин”, “Тож ат-тарожим”, “ал-Авсот”, “Тафсир ал-кабир” номли асарлар муаллифи Шохфур ибн Тохур Исфаройӣ (ваф. 471/1078), Маҳмуд Қошғарий (421/1030–521/1127), нахв илми билимдони, “Асрор ал-балоға”, “Далолил ал-эъжоз”, “ар-Рисола аш-шофия”, “Китаб ал-жумал” асарлари муаллифи Абдулқохир Журжоний (ваф. 471/1079), улуғ файласуф, шоир, мунажжим, математик ва табиб, “Рубоӣёт”, “Рисола фи таксим рубъид доира”, “Рисолат ал-кавн ва-т-таклиф”, “Рисола фил-вужуд”, “Рисола фи куллияти вужуд”, “Наврузнома”, “Зижи Маликшоҳи” каби асарлар муаллифи Умар Ҳайём (439/1048–526/1132), “Шиъру ибнул Ҳаббарийя”, “Фалак ал-маъани” асарлари билан танилган шоир ва адиб Ибн Ҳаббарийя (414/1033–509/1115), Абу Тохур Ҳатунӣ (ваф. тахминан 529–532/1134–1137 йиллар ораси), “Буюн ат-таворих”, “Ал-Ҳафават ан-надира”, “Китаб ар-робийъ” каби тарихий асарлар муаллифи Абул Ҳасан Собий (416/1025–480/1088) каби дин уламолари, шоир ва муҳандислар яшаб, ижод қилганлар [21:432–433; 22:401; 23:87; 24:192; 25:505; 12:453–454; 26:387; 27:117].

Султон Маликшоҳдан сўнг тахт учун бошланган ички курашлар оқибатида салжуқийлар илмий мухитида турғунлик даври юзага келди. Маҳмуд I (1092–1093), Беркярук (1094–1105), Маликшоҳ II (1105) даврларида турғунлик давом этди. Муҳаммад Тапар (1105–1118) ҳокимиятга келгандан сўнг илм-фан, маданият яна юксала бошлади. Бу даврда ҳам асосан Султон Маликшоҳ давридаги олимлар фаолият олиб борган.

Имом Ғаззолий ўзининг форс тилидаги “ат-Тибр ал-масбук фи насихат ал-мулук” асарини, Ибн Балхий ўзининг “Форснома”сини Муҳаммад Тапарга бағишлаганлар. Муҳаммад Тапар ҳар бир “Низомия” мадрасаларининг атрофига сўфилар учун работлар қурдирган.

Муҳаммад Тапар 1118 йилда вафот этди. Бу дарга келиб, Салжуқийлар давлати икки бўлиниб

кетди. Ғарбий Эрон, Ироқ ва Озарбайжонни Ироқ султонлиги (1118–1194) номи билан Муҳаммад Тапарнинг ўғли Маҳмуд II (1118–1131) бошкарди. Ҳамадон Ироқ султонлигининг пойтахти этиб белгиланди. Хуросон, Сижистон, Хоразм ва Мовароуннаҳрда Маликшоҳнинг ўғли Аҳмад Санжар (1118–1157) султон этиб эълон қилинди. Султон Санжар Марвни ўз давлатининг пойтахти деб эълон қилди. Султон Санжар вафотидан сўнг (1157) салжуқийларнинг Хуросондаги ҳукмронлиги тугади. 1194 йили Хоразмшоҳ Такаш Ироқ султонлигини тормор қилди. Салжуқийларнинг яна бир давлати Кўня султонлиги эса XII асргача ҳукм сурди.

Султон Санжар даври салжуқийлар давлатининг энг гуллаган даври ҳисобланади. Отаси каби у ҳам илм-маърифатга ҳомийлик қилган. Султон Санжар Хуросонга нафақат мусулмон олимларни, балки бошқа дин вакиллари ҳам таклиф қилар эди. Олимларга катта ҳурмат ва эътибор қаратар эди. “Бу ер (Хуросон) илм маскани, фазилат манбаи ва касб-ҳунар ўлкаси эди” [28:167].

Султон Санжар олимларга ҳурмати баланд бўлган. Мазҳаблар ўртасидаги фикрий курашларга аралашидан кўра, уламоларга эргашар эди. Нишопурда бўлган ҳанафийлар ва шофийлар ўртасидаги баҳс-мунозаларга ҳам аралашмаган. Имом Ғаззолий ва Юсуф Ҳамадоний каби буюк олимлар билан яхши муносабат эди. 1110 йилда Самаркандда бўлган Юсуф Ҳамадонийга 50 минг динар пул ва мактуб жўнатган. Мактубида ўзининг ҳаққига дуо қилишни сўраган.

Султон Санжар олимлар, табиблар ва файласуфларга хазинадан 700 минг динар, 1000 дон кийим-бош, кўплаб отлар ва бошқа қимматбаҳо буюмлар тарқатар эди. Хазинабон хазина бўшаб қолаётганини айтганда, “Мени мол-мулкка мойил десангиз, бу тўғри эмас. Мана бу кийим-бошларни тарқатинглар” деб жавоб берган.

Султон Санжар даврида илмнинг барча соҳалари ривожланган. Уламолар тафсир, фикҳ, калом, тасаввуф, фалсафа ва аниқ-фанлар соҳасида етук асарлар таълиф этдилар.

Тафсир илми:

Султон Санжар даврида тафсир илмида кўплаб асарлар ёзилди. Бу давр тафсирлари асосан “таржих” усулида таълиф этилган. Бу давр муфассирларидан бири, Имом ал-

харамайн Жувайнийнинг шогирди, Абу Муҳаммад Мухйиссунна Хусайн ибн Масъуд ибн Муҳаммад ал-Фарро Бағовийдир (ваф. 516/1122) [4:195, 397]. Ал-Фарро Бағовий Марв ва Ҳирот орасидаги Бағшур шаҳрида туғилган. Туғилган йили ноъмалум. Тафсир илмига оид “Маъалим ат-танзил”, “ал-Кифоя фи-л-кироа” каби асарлари мавжуд.

Бу даврнинг яна бир забардаст муфассири Имом Замахшарий (467/1075-538/1144) ҳисобланади [29:168-174]. Алломанинг тўлиқ исми Абул қосим Маҳмуд ибн Умар аз-Замахшарий. Алломани чуқур ҳурмат ва меҳр билан “Устоз ул-араб вал-ажам” (“Араблар ва ажамлар устози”), “Фахру Хваразм” (“Хоразм фаҳри”) каби шарафли номлар билан атаганлар. Замахшарий адабиёт, тафсир, ҳадис, фикҳ илмлари бўйича ҳам мукамал асарлар яратган. “Кашшоф ан ҳақоик ит-танзил ва уюн илақовил фи вужух ит-таъвил”, “ал-Фоик фи ғарийб ал-ҳадис”, “Рабиъ ул-аброр ва нусус ул-ахёр”, “ал-Муфассал”, “Асос ул-балоғ”, “Атвоқ уз-заҳаб фил-мавоиъз вал-хутаб” номли асарлари мавжуд.

Нажмиддин Умар Насафий (461/1068-537/1142) ҳам Салжукийлар даври муфассирларидан ҳисобланади [21:156-157]. Ҳанафий мазҳаби фақиҳи, мотуридийлик таълимоти намоёниси, муфассир, муҳаддис бўлган алломанинг тўлиқ исми Абу Ҳафс Нажмиддин Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад Насафий Самарқандийдир. Абу Ҳафс Насафий “Муфти ас-сақалйн” унвонига сазовор бўлган. “Ал-Манзумат ан-Насафия”, “ат-Тайсир фи-т-тафсир”, “ал-Акмал ал-атвол”, “ал-Қанд фи зикри улмаои Самарқанд”, “Тухфат ал-мулук”, “Фатовои Нажмиддин”, “Шарҳу мадори ал-усул”, “Тафсири Насафий”, “Ал-Яқовит фи ал-мавоқит” каби асарлари бизга қадар етиб келган.

Бу давр тафсирларида ҳилма-ҳиллик кузатилади. Кўп муфассирлар тафсирларни ўз эътиқодидан келиб чиқиб ёзганлар. Бу давр тафсирларининг айримлари форс тилида битилган.

Ҳадис илми:

Ушбу давр муҳаддислари орасида ал-Фарро Бағовийни зикр қилиш мумкин. Бағовийнинг “Шарх ас-сунна”, “Масобих ас-сунна”, “Ал-Жомеъ байна ас-саҳиҳайн”, “Ал-Анвар фи

шамоил ан-набий ал-мухтар”, “Шарҳу жомеъ ат-Тирмизий” асарлари ҳадис илмига оид мўътабар китоблардан ҳисобланади [3:195, 397].

“Қоватиъу ал-адилла фи усул ад-дин”, “Фазоилу аш-Шам”, “ал-Истилом фи-л-хилаф байна ал-имомайн Аш-Шофий ва Аби Ҳанийфа” асарлари муаллифи Абу Бакр Самъоний (466/1073-510/1116) шофий мазҳаби муҳаддисларидан ҳисобланади [30:1266-1269]. Бағдод, Марв “Низомия” мадрасаларида ҳадис илмидан дарс берган. Марв, Нишопур, Исфаҳон ва Раъй шаҳарларида ҳадис ривоят қилган. “Тож ал-ислом” номига сазовор бўлган.

Яна бир муҳаддис Абу Исҳоқ Шеъротий ва Абу Бакр Самъонийнинг шогирди Абу Исҳоқ Тусийдир (ваф. 515/1121). Нишопур “Низомия” мадрасасида ҳадисдан дарс берган. 1121 йилда Сарахсда вафот этган.

Зоҳир ибн Тохир Нишопурийнинг (ваф. 533/1138) “Ҳадису ас-саррож”, “Китаб ал-аҳадийси ал-илаҳийя” асарлари ҳадси илмига оид асарлардан ҳисобланади [3:370].

Муҳаддислар орасида шиъа эътиқодига мансуб олимлар ҳам бўлганлиги тарихий манбалардан маълум. Шундай олимлардан бири Ҳамза ибн Ҳибатуллоҳ Нишопурийдир (ваф. 523/1128-29) [31:37]. Олим шиаликнинг зайдия эътиқодига мансуб бўлган.

Яна бу даврда Ибн Асокир Димашкий (499/1105-571/1176), Убайдуллоҳ ибн Ҳавозин Нишопурий (ваф. 523/1128), Абулғофур Форисий (451/1059-529/1135), Ҳибатуллоҳ ибн Муҳаммад Нишопурий (ваф. 1138) каби муҳаддислар фаолият олиб борган.

Фикҳ илми:

Султон Санжар даврида ҳанафийлик ва шофийлик намоёндалари томонидан кўплаб асарлар ёзилди.

Ҳанафий мазҳаби фақиҳларидан бўлган Нажмиддин Умар Насафий “ал-Манзумат ан-Насафия”, “Тилбат ат-талаба”, “Тухфат ал-мулук” ва “Қайд ал-авобид” номли асарлар таълиф этди.

Ҳанафий фақиҳларидан яна бири Абу Муҳаммад Садруш-Шаҳид (483/1090-536/1141) ҳисобланади. Бу фақиҳ бухоролик машҳар Ол Моза оиласидандир. Фақиҳнинг тўлиқ исми Абу Ҳафс Хусомиддин Садруш Шаҳид Умар ибн Абдулазиз ибн Умар ибн Моза

Бухорий. “Шарх адаб ал-қози”, “Шарх китаб ан-нафақот”, “Ал-Жомеъ ас-сағир”, “Шарх ал-жомеъ ас-сағир”, “Умда ал-муфти ва ал-мустафти”, “Ал-Фатово ас-суғро”, “Ал-Фатово ал-кубро”, “Усул ал-фикх” номли асарларни таълиф этган [4:46].

Машхур ханафий мазҳаби намоёндаларидан бири Фахру-л-ислом Пазавийнинг шогирди Алоуддин Самарқандий (ваф. 1144) ҳам Султон Санжар даврида яшаб, ижод қилган [3:209, 336, 371, 376, 569-570]. Олимнинг “Тухфат ал-фуқаҳо”, “Мезон ал-усул фи натоиж ал-буқул”, “ал-Мабсут”, “Шарх ат-Таҳовий” асарлари ханафий мазҳабининг мўътабар китобларидан ҳисобланади.

Марвда яшаган ханафий фақиҳларидан яна бири Муҳаммад ибн Абдуррашид Кирмоний (457/1065-543/1149) ҳисобланади. Кирмонийнинг “ат-Тажрид ар-рукн” ва “Жавохир ал-фатово” номли асарлари мавжуд [25:641].

“Ал-Ансоб” номли асари билан танилган тарихчи ва муҳаддис Абдулкарим Самъоний (506/1113-562/1166) ҳам умрининг сўнги 10 йилида Марв “Низомия” мадрасасида фикҳдан дарс берган. Фикҳга оид асарлари мўғуллар истилоси даврида ёқиб юборилган [30:1316-1319].

Калом илми:

Салжуқийлар даврида карромия, ботиния, рофиза ва мўтазила каби фирқаларнинг фаолияти кўпайиб кетиши натижасида, калом илмида “суннийлик” таълимоти асосида ёзилган китобларга эҳтиёж ортиб кетди. Бу даврда кўплаб мутакаллимлар адашган фирқаларга раддия бериш учун бир қатор асарлар таълиф этдилар.

Абу Хафс Насафийнинг “Ақоид ан-Насафий” асари мотуридийлик таълимоти асосида ёзилган мўътабар асарлардан ҳисобланади. Ушбу асар мотуридия таълимотида Абул Муин Насафийнинг “Табсират ал-адилла” асарида кейинги ўринда туради. Абу Хафс Насафийнинг фалсафа ва ақоидга доир кўплаб асарлари мавжуд бўлган. Айниқса, унинг “Манзумот ан-Насафий фи-л-хилофият” номли асари машхур бўлган.

Ушбу даврнинг етук мутакаллимларидан яна бири шофий-ашъарий Абул Фатҳ Шаҳристоний (469/1076-548/1153) дир.

Олимнинг “Нихаят ал-икдом” асари ботинийларга қарши раддия сифатида ёзилган.

Мотуридийлик таълимоти намоёндаларидан яна бири Алоуддин Самарқандий Усмандий (ваф. 551/1157) ҳисобланади. Олимнинг тўлиқ исми Абул Фатҳ Алоуддин Муҳаммад ибн Абдилҳамид ибн Умар ибн Ҳасан ибн Хусайн Самарқандий Асмандий бўлиб, 1095 йили Самарқанд атрофидаги Асманд шаҳрида туғилган. Бу шаҳар Усманд ёки Саманд деб ҳам аталган. “Лубаб ал-калом” ёки “ал-Ҳидоя фи усул ал-эйтиқод” номли каломга оид асар ёзганлиги манбаларда қайд этилган [4:246-247].

Ибн Фундук номи билан танилган мутакаллим Муҳаммад Байҳақийнинг (ваф. 565/1169) тўлиқ исми Абул Ҳасан Заҳируддин Али ибн Зайд ибн Муҳаммад Байҳақий. “Ал-Ифода фи исбат ал-ҳашр ва ал-иъода” асари мавжуд.

Машхур мотуридийлик таълимоти мутакаллими, ханафий мазҳаби фақиҳи Сирожиддин Ўший (ваф. 568/1173) ҳам ушбу даврда фаолият олиб борган [3:1350]. Олимнинг тўлиқ исми Абу Муҳаммад Сирожуддин Али ибн Усмон ибн Муҳаммад ибн Сулаймон Таймий Шохидий Фарғоний Ўший бўлиб, ислом оламида машхур “Бадъул-амолий”, “Ғурор ал-ахбор ва дурар ал-ашъор”, “Муснаду Анас ибн Молик”, “Фатовои Сирожия”, “Мухталаф ар-ривоя” асарлари муаллифи ҳисобланади.

“Саваниҳ ал-ушшоқ”, “Лубоб ал-ихё”, “Баворик ал-илм”, “Сиррул асрор ва ташкил ал-анвор” асарлар муаллифи Аҳмад Ғаззолий (ваф. 520/1126), “Зубдат ал-ҳақоик фи кашф ад-дақоик”, “Тамҳидот”, “Мактубот”, “Шакв ал-ғариб” каби асарлар муаллифи Айнулқудот Ҳамадоний (ваф. 525/1131), “Адаб ал-муридийн”, “Ғариб ал-машобих” каби асарлар муаллиф Абу Нажиб Сухравардий (490/1097-563/1168), Абу Исҳоқ Шерозийнинг шогирди, “Рутбат ал-ҳаёт”, “Кашф”, “Рисола дар одоби тариқа”, “Рисола дар ахлоқ ва муножот” каби асарлар муаллиф Юсуф Ҳамадоний (440/1048-535/1140), Қодирия тариқати асосчиси Абдулқодир Жийлоний (470/1077-561/1165-66), Юсуф Ҳамадонийнинг шогирди, Яссавия тариқати асосчиси, “Пири Туркистон” коми билан машхур бўлган тариқат пешвоси Аҳмад Яссавий (486/1093-561/1166) лар Салжауқийлар, ҳусан, Султон Санжар даврида фаолият

олиб борган энг буюк мутасаввфилардан ҳисобланишади. [8:97-98; 10:204-205; 21:66-68, 439-451, 475-478].

Диний илмлар билан биргаликда наҳв илми, аниқ фанлар ҳам ривожланган ушбу даврда Маҳмуд Замаҳшарий, . “Ал-Муарраб”, “ал-Мухтасар фи-н-наҳв”, “Мухтасару сихаҳ ал-луға” асарлари муаллиф Маҳбуб ибн Аҳмад Жаволиқий (465/1073-540/1145), Султон Санжарга аталган “ар-Рисолат ас-Санжария” асари муаллифи Умар ибн Саҳлон Совий (ваф. 540/1145) каби тилшунос олимлар фаолият олиб борган [30:1286-1290; 25:830-831].

Шунингдек, Умар Ҳайём, Мавлоно Амъак Бухорий (ваф. 543/1149), Абул Мажид Саной (ваф. 525/1131), Низомий Арузий (ваф. 552/1157), Бадиуззамон Абдулвосиъ Жабалий (ваф. 555/1160), Абу Бакр Умар Балхий (ваф. 559/1163-1164), Авҳадуддин Анварий (ваф. 585/1189) каби шоирлар; Муҳаммад Байҳақий, Абу Хотим Исфизорий (ваф. 515/1121), Абул Қосим Бадий Устурлобий (ваф. 534/1139-40), Абдурахмон Хазиний (XII аср), Баҳоуддин Ҳарокий (ваф. 553/1158), Айнуззамон Ҳасан Марвазий (ваф. 548/1153) каби астроном, физик ва математиклар; Исмоил ибн Ҳасан Журжоний (ваф. 531/1137), Абул Баракот Бағдодий (440/1077-547/1152), араб насронийларидан бўлган Ибн Тилмиз Ҳибатуллоҳ ибн Саид (465/1073-560/1165), Ҳибатуллоҳ ибн Ҳусайн Исфаконий (ваф. 530/1136), Али ибн Муҳаммад Ҳижозий (454/1061-546/1151) каби табиблар фаолият юритган.

ХУЛОСА

Салжуқийлар хонадонига мансуб олий ҳукмдорми, шахзодами ё маликамаи, ҳаммалари мамлакатдаги бирон-бир шаҳарда бир ё бир нечта мадраса қуришни ўз вазифалари, деб билганлар. Вазирлар, амирлар, маҳаллий ҳокимлар ҳам урнат олиб иш тутганлар. Чунончи, юқорида тилга олинган машҳур вазир Низомулмулк ўз даврида кўплаб мадрасалар қурдирган. Ҳар бир мадрасада ўнлаб, юзлаб илм толиблари ҳам диний, ҳам дунёвий соҳаларда билим олганлар.

Илму маърифатга бўлган анъанавий жиддий эътибор салжуқийлар даврида ҳам ўз аҳамиятини йўқотмади ва буни юқорида таъкидланган ўнлаб мадрасаларнинг барпо

қилиниши орқали ҳам билиб олишимиз мумкин. Аҳвол ҳақиқатан ҳам шундай бўлганини ўша замонда яшаган буюк олимлар, шоирлар фаолияти ҳам тасдиқлайди. Тарихчи ва сайёҳ Ёкут Ҳамавий (1179-1229) Марвда бўлганида бу ерда ўнта йирик кутубхона борлигини кўрган. Мазкур кутубхоналарда сақланаётган китоблар қиммати ва сони жиҳатидан дунёда бирон-бир кутубхона унга тенг келолмайди, деб ёзганди тарихчи.

Салжуқийлар далаида илм-фан ва маданият ривожланганлиги барча манбалар тасдиқлайди. Диний илмлардан ташқари дунёвий илмларда ҳам юқаслишларга эришилган. Мунажжим ва риёзиётчи олим Умар Ҳайём лойиҳасига кўра, Исфаконда расадхона қурилган. У Султон Маликшоҳ топшириғига кўра, расадхонада кузатув ишларини олиб борган ва сосонийларнинг шамсий тақвимиини ислоҳ этиб, янги тақвим (“Маликшоҳ тақвими” ёхуд “Жалол эраси”)ни тузган.

Бу даврда Нишопур, Марв, Исфакон, Рай, Ҳамадон каби пойтахт шаҳарлар, шунингдек, Бухоро, Самарқанд, Термизда кўплаб меъморий ёдгорликлар қурилган. Марв гуллаб яшнаган, у “Марви Шоҳижаҳон” – “Шаҳарлар шоҳи” деб улуғланган.

Хуллас, салжуқийлар даври Ислом цивилизацияси ривожининг ёрқин саҳифаси ҳисобланади. Бир нарсани аниқки, Сирдарё бўйларида чикқан Салжуқийлар Хуросон ва Мовароуннаҳр минтақаларининг сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий соҳадаги кўп асрлик тажриба ва анъаналарига суянганлар, ўз фаолиятларида уларни давом эттиришга ҳаракат қилганлар.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

1. Агаджанов С.Г. Государство Сельджукидов и Средняя Азия в XI–XII вв. – М.: Наука, 1991. 308 с.
2. Ali Öngül. Selçuklularda Eğitim Faaliyetleri ve Yetişen İlim Adamlarına Genel Bir Bakış // Celal Bayar Üniversitesi Sosyal Bilimler Enstitüsü Dergisi, Sayı: 2, 2003. S. 67-78.
3. Ҳожа Халийфа. Кашф аз-зунун. – Бағдод: Мактабат ал-масна, 2016. 946 б.
4. Самъоний. Ал-ансоб. Ж.2. – Байрут: Дор ал-жинон, 1977. 415 б.
5. Ёкут Ҳамавий. Мўжам ал-удабо. – Байрут: Дор ал-ғорб ал-исламий, 1993. 3557 б.

6. Ибн Асир. Ал-Камил фи ат-тарих. Ж. 8. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя, 1987. 532 б.
7. Nevzat Kösoğlu. Türk Dünyası ve Türk Medeniyeti Üzerine Düşünceler. – İstanbul: Ötüken Yay., 1991. 1304 s.
8. Ибн Халликон. Вафаёт ал-аъён. Ж. 1. – Байрут: Дор ас-содр, 2007. 493 б.
9. Ибн Жавзий. Ал-Мунтазам фи тарих ал-мулук ал-умам. Ж. 16. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя, 1992. 320 б.
10. Ибн Асир. Ал-Камил фи ат-тарих. Ж. 9. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя, 1987. 504 б.
11. Ибн Халликон. Вафаёт ал-аъён. Ж. 3. – Байрут: Дор ас-содр, 2007. 524 б.
12. Ибн Халликон. Вафаёт ал-аъён. Ж. 4. – Байрут: Дор ас-содр, 2007. 490 б.
13. Richard W. Bulliet. The Patricians of Nishapur. – Cambridge: Mass., Harvard University Press, 1972. 309 p.
14. Şakir Gözütok. İslâm medeniyetinin öncü eğitim kurumları: Nişabur medreseleri // Türk Dünyası Araştırmaları. Sayı: 185. – Ankara, 2010. S. 33-64.
15. Mesut Sandıkçı. Sâinüddin ibn Türke'nin varlık anlayışı // Erciyes Üniversitesi Sosyal Bilimler Enstitüsü Dergisi XLIII, 2017/2. – Kayseri: Erciyes üniversitesi, 2017. S. 9-25.
16. Abdülkerim Özeydin. NIZAMIYE MEDRESESİ // TDV İslâm Ansiklopedisi. C. 33. – Ankara: TDV İslâm Araştırmaları Merkezi, 2016-2022. S. 188-191.
17. Ибн Исфандиёр. Тарихи Тобаристон. – Қоҳира: Мажлис ал-аъла лис-сақофа, 2002. 496 б.
18. Нуруллоҳ Кисойй. Мадорис-и Низомия ва тасирот-и илмий ва ижтимоӣ он. – Техрон: Интишороти амири кабир, 1374 х. 354 б.
19. Ahmed bin Mahmud. Selçukname. C. 1. – İstanbul: Bilge Kültür Sanat, 1977. 344 s.
20. H.G.Raverty. The Tabakat-i-Nasiri of Minhaj-i-Siraj. – London: Gilbert and Rivington, 1873. 786 p.
21. Заҳабий. Сияр ал-аълам ан-нубало. Ж. 18. – Байрут: Ар-Рисола, 1996. 690 б.
22. Заҳабий. Сияр ал-аълам ан-нубало. Ж. 20. – Байрут: Ар-Рисола, 1996. 680 б.
23. Бартольд В.В. Тюрки. Двенадцать лекций по истории тюркских народов Средней Азии. – Москва: «Наука», 1998. 194 б.
24. Розенфельд Б. А., Юшкевич А. П. Омар Хайям. – Москва: Наука, 1965. 192 с.
25. Карль Брокельман. Geschichte Der Arabischen Litteratur (Араб адабиёти тарихи). – Leiden: E.J.Brill, 1937. 998 б.
26. Хатиб Жалолиддин Қазвиний: Асар ал-билад ва ахбар ал-ибад. – Байрут: Дор содир, 2007. 669 б.
27. Зириклий. Ал-Аълам. Ж. 5. – Байрут: Дор ал-илм лил-малайн, 2002. 336 б.
28. Али ибн Сулаймон Ровандий. Роҳат ас-судур ва аят ас-сурур фи тарих ад-давлат ас-салжукийя. – Қоҳира: ал-Мажлис ал-аъала ли-с-сақофа, 2005. 725 б.
29. Ибн Халликон. Вафаёт ал-аъён. Ж. 5. – Байрут: Дор ас-содр, 2007. 436 б.
30. Заҳабий. Тазкира ал-хуффо. – Ҳайдарабод: Даирату ал-маъарифа ал-Усмания, 1958. 1760 б.
31. Efe Yeşildurak. Sultan Sencer devri (1098-1157) Selçuklular'da ilmî ve fikrî hayat. – Sakarya: Sakarya Üniversitesi Sosyal Bilimler Enstitüsü, 2015. 155 s.